2009-yil 10-mart № 30 (2599) seshanba

# Ishonch

Insonga naf keltirish — oliy baxt

O`zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi gazetasi

Gazeta 1991-yil 21-martdan chiqa boshlagan

Чинакам халқ бўлсак, чинакам миллат бўлсак, улкан, қудратли дарёга айланайлик, фарзандларимизга ўзгалар ҳавас қиладиган озод ва обод Ватан қолдирайлик.

**Ислом КАРИМОВ**

## «Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари»


Ислом КАРИМОВ

ЖАҲОН МОЛИЯВИЙ-ИҚТИСОДИЙ ИНҚИРОЗИ, ЎЗБЕКИСТОН ШАРОИТИДА УНИ БАРТАРАФ ЭТИШНИНГ ЙЎЛЛАРИ ВА ЧОРАЛАРИ

«ЎЗБЕКИСТОН»

***«Ўзбекистон» нашриёт-матбаа ижодий уйи Президент Ислом Каримовнинг «Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари» номли китобини нашрдан чиқарди.***

Маълумки, 2008 йилда бошланган, бугунги кунда кўлами тобора кенгайиб ва чуқурлашиб бораётган жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозининг сабаб ва оқибатларини тўғри баҳолаш ҳамда шу асосда унга қарши самарали чора-тадбирлар дастурини ишлаб чиқиш масаласи дунё миқёсида энг долзарб масалага айланмоқда. Аммо кўпгина халқаро эксперт ва мутахассислар бу инқирозга баҳо берар экан, унинг сабаблари ва янада авж олиши билан боғлиқ прогнозларида жавоблардан кўра кўпроқ саволларга дуч келишмоқда.

Ушбу асарнинг моҳияти ва аҳамияти шундаки, унда юқорида зикр этилган масалалар бўйича ҳар томонлама асосланган аниқ қарашлар, амалий хулосалар илгари сурилади.

Китоб икки қисмдан иборат бўлиб, биринчи қисми **«Жаҳон молиявий инқирозининг Ўзбекистон иқтисодиётига таъсири ҳамда унинг оқибатларини олдини олиш ва юмшатишга асос бўлган омиллар»** деб номланган. Унда жаҳон молиявий инқирозини келтириб чиқарган сабаблар, унинг ҳозирги пайтда дунё миқёсида қандай кескин ижтимоий-иқтисодий муаммоларни туғдираётгани ва келгусида юз бериши мумкин бўлган оқибатлари ҳар томонлама чуқур таҳлил этилган.

Муаллиф жаҳон молиявий инқирозидан имкон қадар тез чиқиш, унинг оқибатларини юмшатиш кўп жиҳатдан ҳар қайси давлат доирасида ва умуман, дунё ҳамжамияти миқёсида қабул қилинаётган чора-тадбирларнинг қанчалик самарадорлигига, уларнинг бир-бири билан уйғунлигига боғлиқ эканини таъкидлайди.

Китобнинг иккинчи қисми **«Банк тизимини қўллаб-қувватлаш, ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник янгилаш ва диверсификация қилиш, инновацион технологияларни кенг жорий этиш – Ўзбекистон учун инқирозни бартараф этиш ва жаҳон бозорида янги марраларга чиқишнинг ишончли йўлидир»** деб номланган. Унда қатор долзарб масалалар, шу жумладан иқтисодиётимизнинг жаҳон хўжалик ва молиявий-иқтисодий тизимига интеграциялашув жараёни тобора чуқурлашиб бораётганини инобатга олганда, жаҳон молиявий инқирози, аввало унинг оқибатлари Ўзбекистонга ҳам салбий таъсир кўрсатиши мумкинлиги ҳақида фикр юритилади.

Лекин, юзага келган барча муаммо ва қийинчиликларга қарамай, 2008 йилда иқтисодиётимизнинг нафақат барқарор фаолият кўрсатишига, балки унинг юқори ўсиш суръатларини изчил таъминлашга эришилди, яқин истиқболга белгиланган кенг кўламли чора-тадбирлар комплекси, аввало Инқирозга қарши чоралар дастури ва уни амалга ошириш механизмлари ишлаб чиқилди.

Бу дастур жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозининг таҳдид ва хатарларига муносиб қарши туриш, унинг иқтисодиётимизга салбий таъсирининг олдини олиш имконини бериши, айни пайтда инқироздан сўнг Ўзбекистон иқтисодиётининг янада кучли, барқарор ва мутаносиб ривожланган ҳолда майдонга чиқиши, жаҳон бозорларида ўзимизнинг мустаҳкам ўрнимизни эгаллаш, шунинг ҳисобидан изчил иқтисодий ўсишни таъминлаш, халқимизнинг ҳаёт даражаси ва фаровонлигини янада ошириш бўйича олдимизда турган устувор вазифаларни муваффақиятли ҳал этиш учун ишончли замин яратиши асарда алоҳида қайд этилади.

**(ЎзА)**


Икром ҲАСАНОВ

*Юртимизни боғларга буркайлик!*

### 2009 йил — Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили

## Янгиободнинг кўркам мактаби

Жиззах туманидаги «Иттифоқ» қишлоқ фуқаролар йиғинига қарашли Янгиобод маҳалласи ўқувчиларининг қувончи чексиз. Мактаб таълимини ривожлантириш давлат умуммиллий дастурига асосан ибн Сино номли 15-мактаб бутунлай ўзгача қиёфа касб этди. Кесак девордан кўтарилган эски бино бузилиб, ўрнига янгиси тикланди. 420 ўринга мўлжалланган мактабни «Макс-грант» фирмаси қурувчилари бунёд этишди.

— Янги мактаб биноси қишлоғимиз кўркига кўрк қўшмоқда, — дейди мактаб ота-оналар қўмитаси раиси Даврон Раҳматов. — Болаларимиз талаб даражасида билим олиши учун имконият яратилди. Биз мактаб-оила-маҳалла ҳамкорлигини янада мустаҳкамлаб, фарзандларимизнинг аъло ўқиши учун қўлимиздан келган ёрдамни аямаймиз.

Бу борада вилоятда кенг кўламда ишлар олиб борилмоқда. 2008 йилда 5 та мактаб қурилган бўлса, 115 таси таъмирланди.

**Абдусаттор СОДИҚОВ**

**Тугалсиз ўйлар қуюни Муҳаммадюсуфнинг борлиғини забт этди. Тонгга яқин кўзи илинди. Ўша куни у «Микрокредитбанк»нинг Қорасув бўлимига (мини банк) бориб кредит сўради.**

**— Сиз яхши иш бошлайсиз-у биз сизни қўлламаймизми, — дейишди у ердагилар.**

**— Демак, кредит берасизлар?..**

**— Албатта.**

**Хуллас, кичик бизнес ва тадбиркорлик билан шуғулланаётганларга мазкур мини банк 100 миллион сўм, жумладан, Муҳаммадюсуф Комиловга ҳам 10 миллион сўм миқдорида кредит ажратди.**

## «Микрокредитбанк» жонга оро кирди

У хароб бўлиб ётган бўш бинони таъмирлатиб, умумий овқатланиш корхонаси, унинг ёнида эса мебел дўкони очди ва 35 нафар ёшни иш билан таъминлади.

— Ишларимиз чакки эмас, — дейди мамнуният билан М.Комилов — Имкониятларни чамалаб кўрдик. Энди маиший хизмат кўрсатиш шохобчаси ҳам очиш ҳаракатидамиз, режамиз амалга ошса яна 30 - 35 киши ишли бўлади.

«Шус Стрейдинг» МЧЖ ҳам кредит олиб 12 дастгоҳни ишга туширди ва пайпоқ ишлаб чиқаришни йўлга қўйди. Муҳаммаджон Қосимов (1 миллион сўм миқдоридаги кредитига) Қорасувнинг ширмойлари довруғини таратиб, новвойхона очди. Натижада яна тўрт кишининг уйига барака кирди.

Қорақалпоғистондаги «Шоҳруҳ Ўткир» МЧЖ раҳбари Баҳром Айтбоев «Тошкент - Нукус» тракти бўйида сервис хизмати кўрсатадиган корхонани ишга туширди. Муҳташам, ойнаванд иморат шу ҳудуднинг кўркига айланди.

— Банк томонидан кўрсатилган 31 миллион сўмлик лизинг хизмати эвазига зарур жиҳозлар олинди, — дейди Б.Айтбоев. — Айни пайтда 12 нафар уста «ДЭУ» русумли автоуловларни таъмирлаяпти. Шовотлик Муродбек Бекчонов олган 50 миллион сўм миқдоридаги кредитни ўзи раҳбарлик қилаётган «Қоратой агро» агрофирмасини юксалтиришга сарфлади. Бу ерда тайёрланаётган беш турдаги шарбат ва тузламалар харидорларга маъқул бўлаяпти. Камолиддин Ҳасановнинг «Гўзал-Хулкар» корхонасида ишлаб чиқарилаётган саккиз турдаги сут маҳсулотлари сифатлилиги ҳамда чиройли қадоқланаётганлиги билан кўпчиликнинг эътиборини тортаётир.

«Микрокредитбанк» бугунги кунда 140 мингдан зиёд мижозга хизмат кўрсатмоқда. Келгусида эса уларнинг сони янада кўпаяди. Бинобарин, қишлоқ истиқболи кўп жиҳатдан тадбиркорлик кўламини кенгайтиришга боғлиқ. Президентимизнинг 2008 йил 10 ноябрдаги «Микрокредитбанк» акциядорлик тижорат банкининг тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш борасидаги фаолиятини янада кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони микросармоялаш ишларини жадаллаштиришга туртки бўлди.

**Шарофат НОРҚУЛОВА,**
**«Ishonch» мухбири**

### Улардан ўрганайлик

Асли касбим ҳайдовчи. Бой бўламан, деб анча пайти ўзимни ўққа-чўққа урдим. Дастлаб чўлдаги хўжаликлар, кейин эса фермер хўжаликларидан 4-5 гектарлаб ер олиб, қовун-тарвуз экдим. Назаримда ишим юришаётгандек эди, бир йили 3-4 миллион сўм даромад қилган бўлдим, бошқа йили эса маҳсулотимни сотолмадим. Лекин шу тариқа томорқа хўжалигидан икки-уч марта ҳосил олиш ҳадисини олдим.

## Томорқа хосияти

Бундан 7-8 йил олдин уйимиз ёнидаги томорқага анорнинг қорадона навидан 400 туп кўчат қададик, ниҳоллар орасига эса бодринг, помидор, бақлажон ва кўкат экдик. Ҳосил кутганимиздан ҳам мўл бўлди. Кундалик эҳтиёждан ортганини Сардоба ва Гулистон бозорларига чиқариб сотдик.

Анор кўчатларининг бўйи 4-5 метрга етиб ҳосилга кирганда, жўякларга маҳаллий ўғит солиб озуқа берилди, ортиқча шохлари буталаб, вақти-вақти билан бегона ўтлардан тозаланди, қишдаги чилла сувига обдон қондирдик. Аввалги йили 400 туп анор мевасини 6 миллион сўмга сотгандик, бултур сотилган 6 тонна ҳосил 12 миллион сўмни етаклаб келди.

**Аҳмад ЭШОНҚУЛОВ,**
**Мирзаобод туманидаги Пахтаобод қишлоғида яшовчи томорқа соҳиби**

### Ижтимоий ҳимоя

Касби тумани ижтимоий таъминот бўлими бошлиғи Чўли Хўжакуловнинг иши тиғиз. — Тўқсон-юз ёшдан ошган қарияларнинг хонадонларига бориб кўнгил сўраб турамиз, совғалар улашамиз. Бугунги кунда 14 минг фуқарога хизмат кўрсатяпмиз, — дейди у.

## Ҳиммат

Дарҳақиқат, бўлимда иш намунали ташкил этилган. Касаба уюшма ташкилоти билан доимий ҳамкорлик ўрнатилган. Ўтган йил 114 киши саломатлик муассасаларида бўлиб, соғлиқларини тиклаб қайтди. «Майманоқ»лик Халил бобо, «Фазли» қишлоғидан Жумагул момо, Иззат момолар тез-тез ҳам маънавий, ҳам моддий ёрдам олиб беҳад мамнун бўлишмоқда.

Наврўзи олам тантаналарида аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож табақасига ҳиммат кўрсатиш анъанага айланган. Хайрли тадбир бу йил ҳам давом этади.

**Дўстмурод ҲАҚНАЗАРОВ,**
**Қашқадарё вилояти**

### Касаба уюшма ҳаёти

Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси марказий кенгашининг қарорига асосан ТерДУнинг энг аълочи ва жамоат ишларида фаол бўлган 3 нафар талабаси «Касаба уюшма стипендияси» совриндори бўлди.

## Талабаларга стипендия

Булар тарих ва гуманитар фанлар факултетининг 3-босқич талабаси Акмал Қиличев, ижтимоий-иқтисодиёт факултети 4-босқич талабаси Динора Раҳимова ҳамда касбий таълим факултети 2-босқич талабаси Баҳодир Товашаровдир.

— Бу ёшлар тенгдошлари ва устозларининг эътиборини қозониб, касаба уюшма тадбирларида фаол қатнашиб совриндор бўлишди, — деди Сурхондарё вилояти таълим ва фан ходимлари касаба уюшма қўмитаси раиси Холбўта Досов.

**Рустам ДАВЛАТ,**
**«Ishonch» мухбири**

### «Ishonch»га жавоб берадилар

*Мақолада кўрсатилган ҳолатлар ўрганиб чиқилди. Аниқланишича, мақола эълон қилингандан сўнг вилоят ҳокимлигининг ўрта махсус, касб-ҳунар таълими бошқармасининг 2009 йил 24 январда бўлиб ўтган йиғилишида Термиз тиббиёт ҳамда педагогика, Шўрчи енгил саноат, Қакайди транспорт ва алоқа коллежларида ахборот-ресурс марказлари фаолиятидаги хато-камчиликларни бартараф этиш юзасидан чора-тадбирлар ишлаб чиқилган.*

## «Буйруғинг қани?»

**2009 йил 20 январ, 8-сон**

Шунингдек, ўз ишига масъулиятсизлик билан ёндошгани учун бошқарма бош мутахассиси М.Омонов, Қакайди транспорт ва алоқа коллежи ахборот-ресурс маркази раҳбари Ф.Бурҳониддинов, Термиз тиббиёт коллежи ахборот-ресурс маркази раҳбари С.Жалилов, марказ ходимлари З.Жўраева, Н.Намозов, Шўрчи енгил саноат коллежи ахборот-ресурс маркази раҳбари М.Раҳимова, марказ ходимлари Т.Алибоева, М.Азимова, Термиз педагогика коллежи ахборот-ресурс маркази раҳбари Г.Худойбердиева ва марказ ходимлари З.Аҳмедова, М.Воҳидова, Н.Худойқуловаларга иш ҳақининг 30 фоизи миқдорида жарима солинган ҳамда ҳайфсан интизомий жазоси берилган.

Вилоят прокуратураси ўтказган текширувда ушбу коллежлар ахборот-ресурс марказлари фаолиятини ташкил этишда қатор қонунбузилиш ҳолатларига йўл қўйилганлиги аниқланди. Хусусан, коллежларда Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2006 йил 29 декабрдаги 295-буйруғи билан тасдиқланган «Олий ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасаларининг ахборот-ресурс марказлари тўғрисида намунавий низом», «Ахборот-ресурс марказидан фойдаланиш қоидалари», «Олий ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасалари ахборот-ресурс марказлари фондларини шакллантириш ҳақидаги низом» талабларига етарлича риоя этилмаган.

Жумладан, Қакайди транспорт ва алоқа коллежи ахборот-ресурс марказида китобхонларга китобларни ўз вақтида етказиб бериш, уларни тартиб билан сақлаш учун алфавит ва системали каталоглар юритилмаган. Шунингдек, замонавий технологиялар ва компютерлаштиришни жорий этиш учун компютер ажратилмаган, кутубхонашунослик ва библиография асослари бўйича машғулотлар ташкил қилинмаган.

Марказнинг 2008 йил учун 53 банддан иборат йиллик иш режаси ҳам номигагина тузилган бўлиб, унда белгиланган вазифаларнинг ижроси юзасидан ҳужжатлар тўлиқ расмийлаштирилмаган ҳамда алоҳида йиғма жилдлар юритилмаган. Бу ерда 16 та электрон вариантдаги китоблар мавжуд бўлса-да, ундан фойдаланиш учун махсус компютерлар йўқ.

Китобдан фойдаланиш яхши йўлга қўйилмаганлиги, коллеж талабалари ва аҳоли ўртасида тарғибот ишлари талаб даражасида олиб борилмаганлиги натижасида 700 нафар аъзонинг 600 нафарини талабалар ташкил этади. Бунинг устига, китобхонлар учун керакли шароит яратилмаган, ўриндиқлар талаб даражасида жойлаштирилмаган, хоналар чироқлар билан етарли таъминланмаган.

Шўрчи енгил саноат коллежи ахборот-ресурс марказида эса 1 та компютер ишлаб турган бўлса-да, интернет тармоғига уланмаган, китоблар ва каталоглардан фойдаланиш қониқарсиз ташкил этилган.

Термиз тиббиёт коллежи ахборот-ресурс марказида ҳам ойлик ва йиллик иш режалари номигагина тузилган бўлиб, амалда бажарилмаган. Китобларнинг сақланишига етарли эътибор берилмаганлиги боис таъмирталаб ҳолатга келган. Марказ ходимларининг билим даражасини баҳолаш учун тест синовлари ташкил этилмаган.

Мутахассислиги, касб малакаси ва тажрибаси ҳисобга олинмаганлиги сабабли Термиз тиббиёт ва Шўрчи енгил саноат коллежларига 3 нафар, Термиз педагогика коллежига 2 нафар, Қакайди транспорт ва алоқа коллежига 1 нафар ўрта махсус маълумотга эга, мутахассис бўлмаган ходимлар ишга қабул қилинган.

Текшириш натижасига кўра вилоят прокуратураси томонидан ахборот-ресурс марказлари фаолиятини ташкил этишда йўл қўйилган қонунбузилиш ҳолатларини бартараф этиш юзасидан вилоят ҳокимлигининг ўрта махсус, касб-ҳунар таълими бошқармасига тақдимнома киритилди.

**А.НИЯЗОВ,**
**Сурхондарё вилоят прокурорининг ўринбосари, адлия катта маслаҳатчиси**

Сарҳисоб

***Тарафлар ўртасидаги ижтимоий-иқтисодий ва касбга оид масалалар ечимида жамоа шартномасининг ўрни беқиёс. Хўш, меъёрий ҳужжатга асосланиш амалиётда нималар бераяпти? Агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшмаси Самарқанд вилоят кенгаши раиси Норхол Раҳматова билан суҳбатимиз ана шу хусусда бўлди.***

# Барча саъй-ҳаракатларимиз

## ходимларни ҳимоялашга йўналтирилган

— Ижтимоий шерикчиликнинг бош тамойили тенглик саналади, — дейди суҳбатдошимиз. — Мулкчилик шаклидан қатъи назар меҳнатга оид муносабатлар қонунга асосланиши шарт. Мамлакатимизда меҳнатга ҳақ тўлашнинг адолатли тизими жорий этилган. Меҳнаткашларнинг ижтимоий-иқтисодий, ҳуқуқий ва маънавий-интеллектуал муҳофазаси қонун билан ҳимояланади. Ҳар бир жамоада меҳнат қонунчилиги асосида келишув ва шартномалар, битимлар тузилади. Вилоят кенгашимизда 2008-2010 йилларга мўлжалланган 4 та вилоят хўжалик ташкилотлари билан тармоқ келишувлари имзоланган. Туман касаба уюшма кенгашлари ҳамда қишлоқ ва сув хўжаликлари бошқармалари ўртасида 14 та жамоа келишуви тузилган. Тизимга кирувчи 22616 та ҳуқуқий мақомга эга корхона ва ташкилотнинг 17826 тасида жамоа шартномалари қабул қилинган. Айни пайтда соҳада ишловчи 224412 нафар меҳнаткашнинг ижтимоий-иқтисодий ва ҳуқуқий ҳимояси ана шу ҳужжат асосида кафолатлаб келинаяпти.

Таъкидлаш жоиз, ўтган йили амалдаги жамоа шартномаларига 1102110 та тадбир киритилган эди. Иш берувчилар ҳамкорлиги боис улардан 821868 тасининг бажарилишига эришилди. Жамоа шартномаси асосида ҳар бир ходимга ўртача 42,5 минг сўм миқдорида маблағ сарфланди. Бу эса 2006 йилга нисбатан 5199 сўм кўп демакдир. Эътиборли жиҳати, жамоа шартномаси орқали ҳар бир ходимга сарфланаётган харажат йил давомида тўланаётган касаба уюшма аъзолик бадалидан бир неча баробар ортиқ эканлигидир. Вилоятимиз миқёсида олиб қарасак, бу миқдор 2006 йилда 64 баробар, 2007 йилда 54 баробарни ташкил этди.

Мулк шакли ўзгарди. Қишлоқ фаровонлиги масъулияти фермерлар қўлига ўтди. Улар иш берувчига айланишди. Шу боис фермерлар билан самарали ҳамкорликни йўлга қўйдик. Меъёрий ҳужжатлар тарғиботи бўйича барча туманларда ўқув семинарлар ташкил этдик. Мажбуриятларнинг бажарилиш юзасидан кенг тушунча беришга интилаяпмиз.

**— Меҳнаткашлар ижтимоий-иқтисодий шарт-шароитларини яхшилаш — бош мезон. Шу асосда амалга оширилган ишларнинг қай жиҳатларини тилга олган бўлардингиз?**

— Жамоа шартномаларида кам таъминланган кўп болали оилалар, боқувчисини йўқотганлар, ногирон ва ёлғиз қарияларга алоҳида эътибор қаратилган. Ўтган йилда жамоа шартномалари орқали 6840 та кам таъминланган, ногирон ва серфарзанд оилага 119 миллион сўм, 1310 та боқувчисини йўқотган оилага 14 миллион сўм, 804 нафар уруш ва меҳнат фахрийсига 13 миллион сўм, 608 нафар байналмилалчи жангчига 7 миллион сўмдан зиёд моддий кўмак берилди. Тармоқ касаба уюшма ташкилотлари мадади 18 миллион 380 минг сўмни ташкил этди.

«Ёшлар йили» давлат дастури асосида касаба уюшмалари ҳам ўсиб келаётган авлодга кенг эътибор қаратди. Соҳада хизмат қилаётган ёшларга имкон яратиш мақсадида 30 миллион 588 минг сўм маблағ сарфланди.

Тизим корхоналарида меҳнат қилаётган кам таъминланган ёш оилалардан 82 тасига 5482 минг сўм, 2 ёшдан 3 ёшгача бўлган фарзанд тарбияси билан машғул бўлган оналарнинг 95 нафарига 3942 минг сўм кўмак кўрсатилди. 65 нафар ёш онага туғишгача ва туғруқдан кейин бериладиган ҳақ тўланадиган таътиллар куни узайтирилиб, уларга 4410 минг миқдорида маблағ тўланди. Олий ўқув юртларида таълим олаётган 7 нафар талабанинг 2110 минг сўмлик контракт пуллари тўлаб берилди. 540 та кам таъминланган оила фарзандлари учун 8221 минг сўмлик ўқув-қуроллари, дарсликлар ва мактаб кийим-кечаклари олиб берилди.

Ёш оилалардан 9 тасига уй-жой қуриш учун фоизсиз кредитлар ажратилди. Ташкилот ва корхоналарнинг бу борадаги ишлари жонлантирилди. Чунончи, «Каттақўрғон ёғ-мой» акциядорлик жамияти 4 нафар ёшларга оила қуришлари учун 150 минг сўмдан кўмак беришди. Тизим корхона ва ташкилотлари бу борада қатор ибратли ишларни амалга оширганлигини эътироф этиш зарур.

**— Меҳнат муҳофазаси — корхона фойдаси. Бу борада аҳвол қандай?**

— Иш ўринларини шаҳодатлаш, хавфсиз шароит яратиш муҳим вазифа. Ўтган фурсат мутахассисларимиз ҳимоявий чора-тадбирларни назардан қочирмади. Жойларда аниқланган камчиликларни бартараф этиш юзасидан 24 та ёзма кўрсатма берилди. Меҳнат шароитларини яхшилашга қаратилган 336 та чора-тадбирни амалга ошириш тавсия этилди.

Ўтган фурсат ташкилотимизга ишлаб чиқариш билан боғлиқ тасодифларга учраган оилалардан 26 та ёзма ва оғзаки мурожаатлар рўйхатга олиниб, уларнинг барчаси ижобий ҳал этилди. Иккита масала юзасидан суд идораларига даъво аризалари киритилди. Ўзига юклатилган вазифасини бажараётиб жабрланган ходимлар оиласига 5 миллион 540 минг сўм зарар ва нафақа пуллари ундириб берилди.

Меҳнат муҳофазасини таъминлашда нуқсону камчиликларга йўл қўяётган ташкилотлар борлигидан кўз юмиб бўлмайди. Баъзи корхоналарда ишчи-хизматчиларнинг бу борадаги билим ва малакаларини оширишга ҳамон етарли даражада эътибор қаратилмаётир. Режалаштирилган маблағларни сарфлашда нуқсонлар бор. Масалан, Зарафшон ирригация тизимлари ҳавза бошқармаси қошидаги «Насос станциялар энергетика ва алоқа» бошқармаси 2008 йил учун 27 миллион 960 минг сўм сарфлашни режалаштирган. Амалда эса бу маблағнинг 6 миллион 564 минг сўмигина сарф-харажат қилинган. 90 нафар зарарли шароитда ишловчилар сут-қатиқ билан таъминланмаётир. Ишчи-хизматчилар махсус ҳимоя воситалари, биринчи тиббий дори қутичаларидан бехабар. Кўза кунда эмас, кунида синади, дейишади. Бу оддий ҳақиқатни унутмаслик керак.

**— Ҳақ тўлашда тармоқда оқсашлар бор. Қарздорликни бартараф этиш борасида қандай ишлар қилинаяпти?**

— Иш берувчилар олдига қатъий талаблар қўйишга тўғри келаяпти. Ўтган фурсат кенгаш томонидан иш берувчилар олдига 20 та расмий талабнома қўйилиб, 98 миллион 40 минг сўм, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият идораларига 11 та талабнома жўнатилиб, 27 миллион 650 минг сўм қарздорлик ундириб олинди. Бу муаммо 8 маротаба раёсат йиғилишларида, 18 марта кенгаш йиғилишларида кўриб чиқилди. Суд идораларига 2 та даъво аризаси киритилиб, 2 миллион сўмлик қарздорликка барҳам берилди.

Амалга оширилган ишлар натижаси ўлароқ аввалги йилга нисбатан бир миллиард сўмга яқин иш ҳақидан қарздорлик камайишига эришилди. Бу борадаги муаммоларга барҳам берилаяпти.

**— Жорий йил қишлоқ аҳли учун том маънодаги бурилишлар даври бўлиши кутилаяпти...**

— Тўғри айтасиз. Тўкинчилик манбаи қишлоқдан бошланади. Бугун қишлоқ одамлари ҳаёти, фикрлаши тамомила ўзгарди. Мулкка эгалик ҳисси кучайди. Биз ҳам фаолиятимизнинг асосини ана шу йўналишга қаратганмиз. Бу борадаги ҳаракат режамизни ишлаб чиқдик. Муддаомиз аҳоли турмуш фаровонлигини таъминлашга ҳисса қўшиш, қишлоқларимизнинг ҳар жиҳатдан юксалишига кўмаклашишдан иборат.

**Суҳбатдош:**
**Нурилла ШАМСИЕВ,**
**«Ishonch» мухбири**

Касаба уюшма фахрийси

# Элга нафи бешакдур

***Халқимизда «бир кун туз еган уйингга қирқ кун салом бер», деган ҳикмат бор. Ҳикоямиз қаҳрамони Козим Мақсудхонов ҳаёти давомида ана шу ҳикматга тўла-тўкис амал қилиб яшаган инсонлардан.***

— Ҳар ишда самимийлик бўлишини хоҳлайман, — дейди у. — Менинг касаба уюшмаларида кўрсатган фаолиятим хулосаси шу.

Козим Мақсудхонов 1936 йил Тошкентда хизматчи оиласида туғилган. Отаси Мақсудхон Муродхонов Ички ишлар тизимида ишлар, онаси Пўлатхон Кабирхўжаева уй бекаси эди. Акалари Маъсудхон, Ақоидхон ва опалари Муҳаббатхон ҳамда Вилоятхонлардан кейин Козим оилада бешинчи фарзанд бўлиб, барчаси бир-бири билан ҳавас қиларли даражада иноқ эди. Ота-онанинг яхши тарбияси маҳсулими ёки ўзининг ўта тиришқоқлигиданми у ўрта мактабни олтин медалга битирди. Сўнг Ўрта Осиё политехника институтига (ҳозирги Тошкент давлат техника университети) ўқишга кирди. 1959 йили ёш инженер-электрик йўлланма бўйича ТашРЭСга ишга жойлашди. Ушбу корхонада ўзининг интизомлилиги, ташкилотчилиги ва ташаббускорлиги сабабли оддий мастерликдан бўлим бошлиғигача кўтарилди. Бундан ташқари, 1961-1966 йилларда Ўзбекистон Олий судининг халқ маслаҳатчиси бўлди, бир неча бор депутатликка сайланди. Козим аканинг доимо одамлар дарду-ташвиши, вужудга келаётган муаммолар ечимини топишдаги куюнчаклиги таниган-билганлар орасида унга нисбатан ишонч, ҳурмат ҳисларини уйғотди. Бунинг самараси ўлароқ 1966 йилда К. Мақсудхонов Тошкент шаҳар ва бир пайтнинг ўзида Тошкент вилояти энергетика ва электротехника соҳаси касаба уюшма қўмиталарига (эндиликда Ёқилғи-энергетика комплекси, кимё саноати ва геология ходимлари касаба уюшмаси кенгаши) раис этиб сайланди.



32 йил давомида узлуксиз меҳнаткашларнинг ижтимоий-иқтисодий ҳимояси, меҳнат шароитини яхшилаш, дам олиш, соғлиқни тиклаш масалаларида жонбозлик кўрсатди.

У билан касаба уюшма тизимида узоқ йиллар ёнма-ён ишлаб келган Александр Шиянов Козим ака ҳақида шундай дейди:

— Ишимизда турли муаммолар юз берганида ҳам, жиддий хато ва камчиликларга йўл қўйган кишилар билан ҳам у ҳеч қачон баланд овозда гаплашганини эшитмаганман. Шундан бўлса керак, ходимлардан тортиб раҳбарларгача К.Мақсудхоновни ҳурмат қилар, у билан ҳисоблашарди. Энг муҳими, у етакчиликни мансаб эмас, масъулият деб биларди...

К.Мақсудхонов «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган энергетик», «Ўзбекистон энергетика фахрийси» каби унвонларга сазовор бўлган. Пенсияга чиқиб ҳам уйда ўтиролмади. Ўн йилдирки «Ўзбекгидроэнергоқурилиш» трестига қарашли «Ўқувэнергоқурилиш» шўъба корхонасида директор лавозимида ишлаб келмоқда. Бу ерда ҳар йили кўплаб ёшлар қисқа курсларда ишдан ажралмаган ҳолда янги касбларга ўқитилиб, малакаларини оширишмоқда.

К. Мақсудхоновни кўпгина нуфузли давлат идораларига, вазирликларга бир-неча бор ишга таклиф қилишган. Бироқ у, «дарахт бир жойда кўкаради», дея ўз касбида қолишни афзал кўрди.

— Кечагидай эсимда, 1972 йилда Чорбоғ ГЭС ишга тушди. Табиийки, касаба уюшмалари бу муҳим ишнинг фаол иштирокчисига айланди, — дейди Козим ака. — Қурилиш якунланишига бир неча ой қолганда қурувчилар тунги вахтада ҳам ишлай бошладилар. Қонун доирасида уларга қўшимча ҳақ берилганига қарамай, биз касаба уюшма ташкилоти ҳисобидан шу жойнинг ўзида иссиқ овқат ташкил қилдик. Ишнинг самарали бўлишида бу тадбиримиз кутилгандан ҳам яхши натижа берди.

Умри давомида одамларга фақат яхшилик уруғини сочиб яшаган К. Мақсудхонов шахсий ҳаёти ҳам бахтли онларга тўла эканлигидан масрур. Ўғли Равшан отаси изидан бориб энергетика тизимида, қизлари Умида ва Мунiralар фармацевтика соҳасида ишлайдилар. Айни пайтда у тўртта неваранинг суюкли бобоси. Ёши етмишдан ошган бўлишига қарамай Козим ака қариликка бош эгмоқчи эмас. Ёшларнинг ҳаётда ўз йўлини топиб кетишида, қолаверса, жамият тараққиётига озми-кўпми ўз ҳиссасини қўшаётганидан хурсанд. — Одамларга нафинг тегиб яшашдан ортиқроқ бахт борми дунёда?! — дейди у.

**Дилором АЛЛАҚУЛОВА,**
**«Ishonch» мухбири**

# Савдо хизмати яхшиланмоқда

Андижон вилояти шаҳар ва туманларида савдо хизмати кўрсатиш тубдан яхшиланмоқда. Хусусан, «Хўжаобод туман савдо ишлаб чиқариш» масъулияти чекланган жамиятида мазкур йўналишда бир қатор ижобий ишлар қилинмоқда.

Бугунги кунда 27 та савдо дўкони аҳолига хизмат кўрсатмоқда. Олтинводий қишлоқ ва Солпи маҳалла фуқаролар йиғинида янги савдо дўконлари барпо этилди. Шунингдек, бир қатор қишлоқларда гўзаллик салони, савдо ва маиший хизмат шохобчалари ишга туширилди.

**Суратларда:** *Хўжаобод туманидаги Солпи маҳалла фуқаролар йиғинидаги янги савдо дўкони; сотувчи Ўғилой Ғуломжонова аҳолига намунали савдо хизмати кўрсатмоқда.*

**Шуҳрат ОЛИМОВ**
**(ЎзА) олган суратлар**





Хоразм томонларда

## Иш керакми, марҳамат!

Урганч шаҳрида ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш, тадбиркорликни кенг йўлга қўйиш, сервис соҳасини ривожлантириш ва бошқалар орқали янги иш ўринлари яратишга эътибор қаратилмоқда. Яқинда шаҳар ҳокимлиги, прокуратура, бандликка кўмаклашувчи маркази ва «Камолот» ЁИҲ шаҳар бўлими кенгаши ҳамкорликда ташкил қилган меҳнат ярмаркасида 80 та корхона ва ташкилот 900 дан зиёд бўш иш ўринлари билан қатнашди. Ярмарка туфайли 300 дан зиёд йигит-қиз корхона ва ташкилотлар билан мутахассислиги ва касбий лаёқатига яраша меҳнат шартномаси имзолашга муваффақ бўлди.

## Модернизация давом этади

«Ҳазорасп-текстил» масъулияти чекланган жамияти енгил саноат тўқимачилик маҳсулотлари тайёрлаш ҳамда гилам тўқишда ишлатиладиган жаҳон андозалари талабларига тўла жавоб берадиган ип-калава ишлаб чиқаришга ихтисослашган. Корхона йилига икки минг юз тонна маҳсулот ишлаб чиқариш қувватига эга.

Айни пайтда ушбу корхонада 100 дан зиёд киши меҳнат қилади. Бултур улар икки минг тоннага яқин ип-калава ишлаб чиқаришди. Маҳсулотнинг 1300 тоннадан ортиғи экспорт қилинганлиги корхона имкониятларини оширди.

— «Асака» банкининг молиявий кўмагида модернизациялаш ишлари амалга оширилганлиги муваффақиятимизга сабаб бўлмоқда, — дейди корхона директори Рихситилла Юсупов. — Яқинда яна 800 минг АҚШ доллари миқдоридаги замонавий ип-йигирув дастгоҳлари келтириб ўрнатишни режалаштиряпмиз. Бу эса иш ўринларини кенгайтириш, маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмини оширишга хизмат қилади.

**Муҳаббат ТЎРАБОЕВА,**
**«Ishonch» мухбири**

# Сирғалилик касаначилар

Мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш орқали кенг истеъмол маҳсулотларини ишлаб чиқариш, янги иш ўринлари яратиш устувор вазифалардан бири саналади. Бунда йирик саноат корхоналарининг бевосита ёрдамида жойларда касаначиликни кенг йўлга қўйиш ҳам ниҳоятда муҳимдир. Чунки касаначилик аҳоли даромадларини ошириш билан бир қаторда, янги иш ўринлари билан таъминлашда кооперация алоқаларини янада кенгайтириш имкониятини беради.



Мамлакатимиз Президентининг 2006 йил 5 январдаги «Йирик саноат корхоналари билан касаначиликни ривожлантириш асосидаги ишлаб чиқариш ва хизматлар ўртасида кооперацияни кенгайтиришни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони айнан шу мақсадларга қаратилгандир. Мазкур фармондан келиб чиқиб, пойтахтимизнинг Сирғали туман давлат солиқ инспекциясининг бевосита назорати остида бу борада эътиборли ишлар амалга оширилаётганлигини кузатиш мумкин. Хусусан, ўтган вақт мобайнида тумандаги йирик саноат корхоналари ёрдамида 22 та касаначилик кооперациялари ташкил этилди. Бунинг натижасида 115 дан зиёд янги иш ўринлари вужудга келди. Айни пайтда бу борада йирик саноат корхоналарининг аниқ дастури ишлаб чиқилган бўлиб, жорий йилда қўшимча яна 50 та касаначилик иш ўринлари ташкил этиш режалаштирилган.

**Шерзод АБДУСАМАДОВ,**
**«Ishonch» мухбири**

Фаровон турмуш учун

# Излаган имкон топади

Қуруқ қошиқ оғиз йиртар, дейдилар. Иш ҳақи ўз вақтида тўлансагина рағбат бўлиши мумкин. Хўш, бу масала Сирдарё вилоятида қандай ҳал этилмоқда?

— Касб-ҳунар коллежини тугатиб, экскаваторчи касбини эгалладим, — дейди Зокиржон Йўлдошев. — Мирзачўл ерларининг мелиоратив ҳолатини яхшилаш мақсадида зовурларни тозалаяпмиз. Ўртача ойлик маошимиз чакки эмас, муҳими, уни вақтида олиб турибмиз.

— Асли касбим ҳайдовчи, — деди мирзаободлик томорқа соҳиби Аҳмад Эшонқулов. — Меҳнат қилиб асти кам бўлганимиз йўқ. Рўзғоримиз обод, яшаш тарзимиз юксаляпти.

Ишсизликни бартараф этиш мақсадида Гулистон туманида ўтказилган меҳнат бозори 77 нафар ёш мутахассисни иш билан таъминлади. Демак, улар энди меҳнат қилиб, рўзғорларини тебратиш имконига эга бўлдилар. «Сирдарётелеком» филиалида ишловчи аёлларга ҳомиладорликнинг 6, «Ўзбекистон почтаси» Сирдарё вилояти (филиали) бўлимида эса 6,5 ойидан бошлаб бир ойлик иш ҳақи миқдорида моддий ёрдам бериб борилиши йўлга қўйилди. 2 ёшдан 3 ёшгача фарзанд тарбияси билан банд бўлган оналар ҳар ойда давлат нафақасидан ташқари қўшимча пул олиб туришибди.

Сирдарё иссиқлик электр станциясида ойлик маош ўз вақтида тўланяпти. Бошланғич касаба уюшма қўмитаси раиси Галина Краснованинг айтишича, жамоа шартномасига мувофиқ ишчи ва хизматчиларни рағбатлантириш учун устама тўловлар 1681442,4 минг сўмни ташкил этди. Бундан ташқари, кам таъминланган оилаларнинг 6 тасига ўтган йил қорамол туҳфа этилди.

Сайхунобод туманидаги машина-трактор саройида ишчи-ходимлар бепул нонушта ва тушлик билан таъминланяпти. Албатта, бунга эришиш осон бўлгани йўқ. Корхона жамоаси томонидан ҳашар йўли билан 0,2 гектар майдонида иссиқхона қурилди ва помидорнинг «Шарлотта» навини экиб, мўл ҳосил олинди. Истеъмолдан ортгани сотилди, пировардида ғазнага 480 минг сўм маблағ келиб тушди. Шунингдек, харид қилинган 50 бош қорамол, «Хайкес браун» зотли 250 та парранда ишчи-ходимларнинг озиқ-овқатига бемалол етиб турибди.

Байрамларда пайвандчи, темирчи, оператор ва тракторчиларга текин гўшт, қатиқ ва тухум маҳсулотлари тарқатиляпти. Ортиқча сут «Сайхун-сут» қўшма корхонасига қайта ишлаш учун топширилмоқда.

Бошланғич касаба уюшма қўмитаси сабзавот маҳсулотлари етиштириладиган томорқа барпо этиш ташаббуси билан чиқди. Сайхунобод машина-трактор саройи маъмурияти ва касаба уюшма қўмитаси ўзаро келишиб, «Пахтабанк»нинг туман бўлимида махсус ҳисоб рақами очиб, шу йилнинг қишки даврида таъмирлаш ишларида фаол иштирок этган операторларга 100 минг, темирчиларга эса 50 минг сўмдан мукофот пули ўтказиб берди.

**Пиримқул ДЎСТМАМАТОВ,**
**«Ishonch» мухбири**

«Муборакнефтгаз» унитар шўъба корхонаси маъмурияти ва касаба уюшма қўмитаси она замин бойликларини Ватанимиз иқтисодий қудратини мустаҳкамлаш йўлида хизмат қилаётган барча ҳамкасбларни яқинлашиб келаётган баҳор ва янгиланиш байрами, Наврўзи олам билан самимий табриклайди.

Қутлуғ ва хосиятли кунларда юртимиздан, хонадонларимиздан файзу-барака, тўкинчилик аримасин! Наврўз тонгида қилган яхши ниятларимиз ижобат бўлсин. Тинчлик, хотиржамлик, осойишталик, бахт-саодат ҳамроҳингиз бўлсин!



